

Адабиётни даврлаштириш мухим назарий-амалий ахамиятга эга эканлиги хаммамизга маълум. Шу жумладан, туркий адабиётларни хам. Гап шундаки, хар кандай даврлаштириш ўша адабиётнинг тарихий тараккиёт боскичларини белгиламокдир. Тараккиёт боскичларини белгиламок эса, хос жихатларини аникламокдир. Булар эса, ўз навбатида, уни ўрганиш ва ўргатишнинг асосий омилларини ташкил килади.

Шу жихатдан олиб караганда, туркий адабиётларнинг босиб ўтган йўли гоят сермазмун ва бенихоя ибратлидир.

Иккинчи томондан эса, бугун туркшуносликнинг, шу жумладан, адабиётларимизнинг тарихи ва тақдирини биргалашиб ўрганишга жуда катта эҳтиёж бор. Эҳтиёж билан бирга жуда катта имконият хам бор. Негаки, бизни биргина тил эмас, дил эмас, дин-эътикодгина эмас, бутун кечмиш, муштарак тарих, бахтлар-бахтсизликлар боглаб келади. Орзулар ва армонлар бирлиги боглаб келади. Нихоят, хамкорлик учун яна бир омил бор. Бу — хаммамиздаги буюк истакдир. Бизни бугун бу ерга йиккан нарса хам мана шу.

Аввало, тарихи узок асрларга бориб такаладиган туркий халклар адабиётини, бугун айрим хамкасабаларимиз риоя этаётганлари сингари учга бўлиб ўрганиш, яъни исломгача бўлган турк адабиёти, турк ислом адабиёти, янги адабиёт шаклида ўрганишни мақсадга мувофик хисоблаймиз. Тўгри, бундай ажратиш, гоят умумий ва қисман мантиксизлиги хам бордай туюлади. Масалан, янги адабиёт исломдан холими, дегандек. Шуларга карамасдан, у туркий адабиётларнинг маълум тарихий боскичдаги энг умумий жихатларини бирлаштира олади. Бу боскичларнинг хронологик чегаралари — биринчиси — X асргача бўлган давр, иккинчиси - XIX асргача бўлган давр, учинчиси -XIX асрдан буюги.

Лекин бундай даврлаштириш хам масалани хал қилиб бера олмайди. Адабиётни энг ками икки-уч йўналишда — халк тарихининг мухим бир қисми, халк хаёти ойнаси, ва табиийки, бадий тафаккур ривожини нуктаи назаридан ўрганиш унга жуда кўп жихатлардан ёндашишни такозо килади. Мен шу муносабат билан айрим кардош хамкасабаларимизнинг бу масалани кандай ёритишларини кўздан кечирдим.

Академик Ориф Дадашзода 1979 йилда Москвада нашр этган «Азербайджанская литература» китобида мазкур адабиётни шундай даврлаштиради: Халк огзаки ижоди, XI— XII асрлар адабиёти, XIII—XIV асрлар адабиёти, XVII— XVIII асрлар адабиёти, XIX аср адабиёти, XX аср адабиёти, совет даври адабиёти. Профессор Х. Короглининг «Туркменская литература» (Москва, 1972) китобида бу адабиёт асосан уч даврга бўлинади:

- 1) XIII асргача бўлган адабиёт;
- 2) XIII-XIX асрлар адабиёти;
- 3) Совет даври адабиёти. XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида чоп этилган 6 жилдлик «Татар адабиёти тарихи» да даврнинг ижтимоий-сиёсий, этник белгиларини умумлаштиришга мойиллик сезилади. Масалан, татар хамкасабаларимиз ёзма адабиётнинг илк даври IX—XIII асрларни «Булгор даври» деб атайдилар ва Кул Алининг «Киссаи Юсуф»ини шу давр адабиёти махсули сифатида ўрганадилар. Бошқирд

дўстларимизда бу деярли тамойил (тенденция) холида кўринади. Чунончи, 90-йилларнинг бошида чиккан «Бошқирд адабиёти тарихи»нинг 6 жилдлигида адабий тарих асосан уч даврга бўлинади:

- 1) Булгор даври (XI-XIII асрлар);
- 2) Кипчок даври (XIII—XIV асрлар);
- 3) Русия даври (XIV асрдан кейин).

Бунга якин ёндашув бизда ўзбек адабиётшунослигида ўтган асрнинг 20—30-йилларида кузатилади. Масалан, ўша йиллари XIV—XVI асрларни «Чигатой даври адабиёти», XVII—XIX асрларни «Олтин бешик даври адабиёти», XIX аср охири — XX аср бошини «Ўзбек буржуа адабиёти» деб номлаш расм бўлган.

Биз — олти туркий жумхуриятлар адабиётчилари 1995 йилда Туркияда ўрта мактабларнинг юкори синфлари ва лицей ўқувчилари учун мўлжалланган муштарак «Турк дунёси адабиёти» дарслиги устида уч ой давомида иш олиб бордик. Унда ҳам асрлар принципи устувор бўлди. Лекин адабий сиймоларни бахолашда бўлмаса-да, танлаш ва киритишда маълум муштаракликка эришилди. Чунончи, илк боскич «X асрга қадар бўлган туркий адабиёт» деб номланди ва халқ оғзаки ижоди ҳамда китобларни қамраб олди. Кейинги давр «X—XII асрлар»дан тасаввуф обзори ва Юсуф Хос Хожиб, Махмуд Кошгарий, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий жой олди. «XII—XIV асрлар»га Юнус Эмро, Кози Бурхониддин, Кодекус Куманикус, Носириддин Рабгузий, Насимий, Сайфи Саройи киритилди.

«XV аср» Алишер Навоий, Кайгусиз Абдол, Сулаймон Чалабий, Асан Кайги ижодидан ташкил топди.

«XVI аср»га Фузулий, Байрамхон, Шох Исмоил Хатоий, Бобур киритилди.

«XVII аср»дан Нобий, Корачаўғлон, Машраб, Авлиё Чалабий, Абулғози жой олдилар.

«XVIII аср» Махтумқули, Бухор Жиров, Вокиф, Андалиб, Хувайдо, Курбонали Маърупий асри деб келишилди.

«XIX аср»га Дадалўғлу, Молда Ниёз, Жамбул, Тўхтагул, Огахий, Нодира, Номик Камол, Тавфик Фикрат, Мирзо Фатхали Охундозода, Исмоилбек Гаспрали, Юсуф Окчура, Абай, Камина, Мулла Напас, Сейидий киритилди.

«XX аср адабиёти» мамлакатлар принципи билан хал қилинди. Чунончи, Озарбойжондан А. Собир, Ж. Мамадулизода, Хусайн Жовид, Самад Вургун, М. Х. Шахриёр, Б. Вахобзода ижоди олинди. Козогистондан Шоқарим, Мағжон, М. Авезов, Ў. Сулаймон танланди. Киргизистондан Б. Аликулов, К. Тинистиули, А. Тўкомбоев, А. Усмонов, Ч. Айтматов ижоди олинди. Ўзбекистондан А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Кодирий, Ойбек, А. Орипов киритилди. Туркиядан М. Э. Юрдакул, У. Сайфидцин, Зиё Кўк Алп, М. А. Эрсўй, Я. К. Баётли, Р. Н. Гунтекин, Ф. Н. Чамлибел, А. Х. Танпинар, Ўрхон Вали, Ариф Нихот Асия, Тарик Бўгро ижодлари олинди. Туркменистондан Б. Кербобоев, Х. Деряев, О. Отажонов, К. Курбоннепесов киритилди.

Бундай даврлаштириш ва танловнинг тарафдорлари бўлганидек, муҳолифлари ҳам топилади. Бу — табиий. Лекин бир нарсани дастлабки қадам сифатида эътироф этиш керак бўлади. Бу туркий адабиётларнинг яхлит, умумий манзарасини белгилашга уриниш. Туркий адабиётларни бир жойга келтиришга бўлган ҳаракат. Уларни ўзаро алоқадорликда, ҳамкорликда ривожланган ходиса сифатида кўриш ва кўрсатиш тажрибасидир.

Аслида шундай бўлган эмасми? Бир вақтлар хоконий туркчаси, сўнг чигатой, сўнг ўгуз туркчалари туркий адабиётларнинг йўл-йўналишларини белгиловчи омил бўлмадиларми?

Алишер Навоийнинг
Агар бир кавм, гар юз, йўкса мингдир,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон, —

деган сатрлари адабиётларимизнинг хамкорлигига, адабий тилнинг буюк бирлаштирувчилик ролига далил эмасми?

Лекин, очигини айтганда, умумтурк адабиётини яхлит бир жилд остида тўплаш гоят кийин кечди. Ўртада кечган кўп асрлик замон ва макон ихтилофлари, турли сиёсий тизимлар тазйики остида турли томонга сочилиб кетган кардошларимиз маънавий меросини бир ерга тўплашда ва, айникса, яхлит умумий бир караш асосида жойлаштириш ва бахолашда талай мушкулотлар бор эди. Шулардан энг жиддийси «мулк жанжали» эди. Шу сабабли мумтоз адабиётимиз намояндаларининг кайси халкка мансублигини белгилашда бахслар кўп бўлди. Сирасини айтганда, бу бахслар бугун пайдо бўлгани йўк. Кўпдан келади. Масалан, биз бир вақтлар Кутбни етарли далил келтирмасдан Кутб Хоразмий деб тахаллус нисба билан эълон килдик. Менинг татаристонлик дўстим академик Хатиб Минигулов у ҳақда монография ёзди ва шоирни тахаллусидан келиб чикиб, Кутбдан — шимолдан, шу сабабли у турк-татар шоири деб танитди. Сайфи Саройи билан ҳам шундай бўлди. Туркман ва ўзбеклар орасида Андалиб масаласида ҳам шундай хол мавжуд. X—XII асрларда яшаган машхур адибларимиз ва комусий олимларимизга ёндашишда ҳам кўрпани ўз устиларига тортиб олишга уриниш йўк эмас. Замонамизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов тобора коида тусини олиб бораётган бу тамойилни умумий ишимизга жиддий халакит бераётган бир тўсик сифатида кўрсатган эди. Мухтор Шаханов билан бўлган суҳбатида шундай дейди:

«... прекрасно понимая какое значение для всех нас имеют наши великие предки, начинаем каждого из них тянуть в свою сторону. Мы почему-то смотрим на то, где этот человек родился, а потом определяем его принадлежность по нынешнему территориальному делению и каждый тянет его в свою национальность... Таким образом, получается так, что Ходжа Ахмед Яссавий — казак, Мехмуд Кошгарий — уйгур, Юсуф Баласогунни — киргиз, Мухаммед ал-Хорезми — узбек, и каждый из них как-буд-то получил соответствующую метрику. При чём, при этом делении между учёными то возникают, то утихают ожесточенные споры.

И если история наших народов начинается с сакской эпохи и народы эти до определенного периода назывались тюрками, то наши великие предки и их научные и творческие наследия являются общими для народов Средней Азии и Казахстана. Поскольку предки наши жили в общем доме, говорили и писали на одном языке, то почему мы сейчас делаем из этого проблему на пустом месте? Почему никто из нас не скажет, что пришло время это богатое и сложное наследие тщательно, всем вместе изучать, систематизировать, не растаскивать по разным углам, а собрать все в единое место, разработать канонические тексты этих трудов, опубликовать их как общее наследие всех тюркских народов и внести их в нашу же общую историю как составную часть! Или это следствие прошлой имперской политики «разделяй и властвуй», которую мы не можем изжить сами? Так только нам самим и необходимо его изжить».

Чингиз Тўракуловичнинг бу гаплари, ўйлайманки, изохга мухтож эмас. Замони билан гох Хоразм, гох Боласогун, гох Бухоро, гох Булгор, гох Олтин Ўрда, гох Хирот турк дунёсининг илмий-маданий марказига айланди ва бу ерлардан таралган зиё бутун турк оламини ёритди. Бу оламнинг энг олис бурчакларидаги митти туркий кавмларгача бу шуъладан бахраманд бўлдилар. 1968 йилдаги Навоий таваллудининг 525 йиллиги тантаналарида олис Саха мухтор жумхурияти адабиётшуносларидан Якутский бизнинг машхур «Шарк юлдузи» журналимизда «Навоий — бизнинг ҳам шоиримиз» деган мақола билан чиққан эди. Бу тасодифий ходиса эмас. Холбуки, бу илмий-маданий марказлар ва уларнинг махсулотлари такдир тақозоси билан айри-айри мамлакатлар, давлатлар сарҳадларига ўтиб қолди. Бир-биримиздан узоқлашишлар эса замоннинг зайли билан қучайиб бормоқда. Нима қилмоқ керак?

Демак, бизнинг биргаликда қиладиган энг муҳим ишларимиздан бири муштарак илмий-маданий меросимизнинг қўлами ва даражасини аниқлаш, ҳамжихатликда ўрганишнинг режа ва йўналишларини белгилаб олмақдир. Бу борада агар умумий бир тўхтама қелинса, архив ва фондларимизда, кутубхоналаримизда сақланаётган қўлёзма манбаларнинг умумий каталогини тузишдан бевосита тадқиқ этишгача бўлган ишларни режалаштириш имкони пайдо бўлади.

Лекин табиийки, умумий мулкнинг ҳам чегаралари бор ва бизнингча, бу чегаранинг умумий сарҳадлари XV аср — Навоий ижоди билан яқунланиши ҳақиқатга мувофиқроқ қўринадди.

Ва, муҳими, бунга барча дарслик ва тадқиқотларимиз-да амал қилмоқ керак бўлади.

Шундагина кузатишга мақсадга эришиш мумкин.

Адабиётимиз тарихини ўрганиш ва шу жумладан, даврлаштириш масалаларини тўғри ҳал қилишда ечилиши зарур бўлган иккинчи муаммо бошдан охири форс тилида ижод этган ижодкорларга муносабат масаласидир.

Бизда, масалан, қелиб чиқиши асли ўзбек турклари бўлган, лекин замон тақозоси билан бошқа мамлакатларга кетиб, бошқа тилларда ижод қилган миллатдошларимиз бутунлай адабиётимиз тарихидан четда қелади. Масалан, буюк ҳамсанавис Хисрав Дехлавий, шеърга минг бир маъно сингдиролган Мирзо Абдулқодир Бедил, исёнкор шоир Мирза Голиб асли Шахрисабздан ва ўзларининг туркий эканликларини ҳар доим таъкидлаб қелганлар. Хисрав Дехлавий ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлгани сабабларигача ёзади.

Масалан: Рў бо Хинд овардани соҳибдилон бечиз нест (Соҳибдиллар — дил эгаларининг, юракли инсонларнинг Хиндистонга йўл олиши сабабсиз эмас) дейиши шунга ишора эди.

Дарҳақиқат, унинг отаси амир Сайфиддин мўғуллар билан жангда ҳалок бўлган эди.

Шахрисабз тарихга биргина шоирларни эмас, Амир Темурдек саркарда, давлат арбобларини ҳам етказди. Дарвоқе, ушбу шаҳар бу йил ЮНЕСКО қарори билан ўзининг 2700 йиллигини нишонлайди. Ё бўлмаса, Амир Темур наслининг Хиндистонда унган гулларидан Зебунисони олайлик. Бугина эмас, тупроғимизда тугилган ва ўсиб вояга етган номлари ҳақиқат суратда форс адабиётини беэза турган жуда қўп қалам эгалари, масалан, Навоий «Одамуш шуаро» (Шоирларнинг одамотаси) деб таърифлаган Абу Абдулло Рудакийдан Сайидо Насафийгача, «Аҳмад қалла» ном олган Аҳмад Донишгача ўрганилиши ва туркий адабиёт ривожини нуктаи назаридан баҳолалиши керак. Шу жиҳатдан озарбойжон қардошларимизнинг буюк Низомийни, туркиялик ҳамқасабларимизнинг Мавлонони ўз адабиётларининг бош саҳифасига олишлари шоён

диккатга сазовордир.

Бир-икки огиз гап совет даври адабиётининг даврлаштирилиши хакида.

Мен, афсуски, ўзаро ахборот алмашуви йўлга қўйилмаганлиги сабабли кардош адабиётларда собик совет адабиёти бугун кандай даврлаштирилиб ўрганилаётгани билан таниш эмасман. Лекин номи юкорида тилга олинган академик О. Дадашзода ва профессор Х. Корогли китобларидаги таксимот эсимда. О. Дадашзода тўртга бўлади:

1. 1917-1920 йиллар. 2. 1920-1930 йиллар. 3. Уруш йиллари. 4. Урушдан кейинги давр.

Проф. Корогли учга бўлади:

1. Шаклланиш (1917—1929 йиллар). 2. Тараққиёт (30-йиллар). 3. Уруш ва ундан кейинги давр.

Бундай даврлаштириш ва бахони замон аллақачон рад этганлиги ҳаммага равшан. Сарлавхаларнинг ўзиёқ буни кўрсатиб турибди. Шуларга карамай, бир-икки изоҳга эҳтиёж бор. Биринчиси, 30-йилларнинг ривожланиш, тараққиёт деб баҳоланиши масаласи. Бундай баҳо бадиий адабиётга совет мафқураси нуктаи назаридан ёндашувга кўра тўғридир. Лекин умуминсоний тараққиёт ва бадиий тафаккур ривожи жихатидан олиб каралганда хақиқатдан узок эди. Масалан, 30-йилларни тараққиёт йиллари деб бўладими? 30-йиллар бугун умуман Ер куррасининг бўҳронга кирган йиллари деб каралмоқца. Гитлер билан Сталиннинг худди шу йиллари хокимият тепасига келгани бунга далил. Японлар-чи, дунёнинг энг беозор ва мулойим, овоз кўтаришни энг катта маданиятсизлик хисоблайдиган японлар Хитойда нималар килмадилар?! Хатто айрим мутахассислар, 30-йилларда дунёнинг ўзга сайёраларидан кўз илгамас гайриинсоний ёвуз биоэнергиялар юборилиб, кишиларга таъсир ўтказилмадими экан, дейишгача борадилар. Тўғри, бадиий адабиёт ва жамият тараққиётининг ўз ривожланиш йўллари бор. Улар ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатсалар-да, хал килувчи роль ўйнамасликлари мумкин. Лекин фақат давлат диктатураси ёхуд мафкура диктатураси бўлмаган жамиятда.

Ё бўлмаса, уруш таърифини олайлик. Хаммасида бир хил: «Улуг Ватан уруши...» Бу, хозир, менимча, барча жойда тугатилган бўлиши керак. СССРнинг биз учун ватан бўлмаганлиги бугун биринчи синф ўқувчисига хам маълум. Биз салкам ўн йил олдин уни ўз номи билан «Иккинчи жаҳон уруши», бу давр адабиётини эса «Иккинчи жаҳон уруши даври адабиёти» деб номлаганмиз.

Бу гаплардан «совет даври адабиётини ўрганмаслик керак», «совет даври адабиётимиз — иккинчи сорт» деган маънолар чикмайди албатта. Ўтган етмиш йил хам бизнинг тарихимиз, ундан кўз юмиб бўлмайди. Адабиётимизнинг уч-тўрт авлоди шу даврда шаклланди. Канчадан-канча ноёб истеъдодлар етишдилар. Канчадан-канча талантли асарлар ёзилди. Лекин буларнинг деярли хаммаси бири озрок, бири кўпрок совет мафқурасига хизмат килдирилган эди. Уларни ўрганиш керак, лекин изоҳлар билан ва мутлако бугунги кун ва энг мухими, Миллат ва Ватан манфаати нуктаи назаридан ўрганиш керак.

Ўзбек адабиётшунослигида бу кандай хал килинмоқда?

1997 йилда нашр этилган бир жилдлик «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедиясида кейинги 130 йиллик ўзбек адабиётини даврлаштиришда янги бир концепция ўртага ташланди. Чунончи, XIX аср сўнгидан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр алохида

ажратиб олинди ва «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» деб номланди. XIX асрнинг сўнги чорагида самарали фаолият кўрсатган Муқимий, Фуркат, Комил Хоразмий, Иброт, Феруз каби шоирлар бу адабиётнинг калдирғочлари эдилар. Миллий уйғониш адабиёти мохиятан янги адабиёт эди. Ва у мазкур давр учун хос бўлган кизгин ислохотчилик харакати билан ёнма-ён борди. Шунга кўра, бу харакат тарихимизда «жадидчилик», адабиёт эса «жадид адабиёти» ном олди. Жадидчиликнинг энг кизгин даври 1900-1917 йилларга тўғри келган бўлса, жадид адабиётининг энг сермазмун ва сермахсул даври 1917—1929 йилларга тўғри келди. Чинакам янги ўзбек шеъри шу даврда шаклланди. Чўлпон унинг бонийси бўлиб тарихга кирди. Ўзбек романчилик мактабининг зафарли юриши шу даврга тўғри келди. Абдулла Кодирий унинг асосчиси сифатида эътироф этилди. Замонавий адабиётшунослик фани худди шу йиллари Фитрат мисолида ўзини намоён килди. Фитрат биргина янги адабиёт илми эмас, биз учун тамом бегона бўлган янги адабий-бадиий тур — драматургияга ҳам асос солди. Аслида совет ҳукумати 20-йилларнинг ўрталариданок, ўзини хатарсиз сеза бошлаган биринчи кунларданок жадидчиликка карши уруш эълон килган эди. 1929 йилдан кейин «Ким кимни енгади?» деган курашда голиб чиккандан сўнг жадидларни катагон килишга ўтди. Масалан, 1926 йилда Абдулла Кодирийгина камокка олиниб, кўп ўтмай чикариб юборилган бўлса, 1929 йилда «Мунавваркори ва унинг тўдаси» номи билан 87 киши камокка олинди ва 1931 йилда уларнинг энг машхур вакилларидан беш киши отишга ҳукм килинди. Жадид адабиёти мана шундай шароитда ўзининг энг сара намуналарини ярата олди.

30—50-йиллар «социалистик реализм адабиёти» сифатида бахоланди. Бу ерда бир нарсани хисобга олиш керак. 1917—1929 йиллар адабиётида жадидчилик гоёлари — миллий уйғониш рухи билан бир каторда шўровий мафкура ҳам ўз ифодасини топганидек, 30—50-йиллар «социалистик реализм адабиёти» даврида ҳам ўқтин-ўқтин бўлса-да, миллий туйғуни ифодалаган асарлар учраб турган. Негаки, ижтимоий соҳада соф ходисани топиш гоёт мушкул.

1956 йил ва у билан бошланган «илмилик давр» адабий ҳаётимизда муайян силжишларга олиб келди. 60-йиллардан бошланган бу даврни биз «Янги уйғониш ва мустакиллик учун кураш адабиёти» деб номлаймиз. Ва унинг чегарасини 90-йилларнинг бошигача деб белгилаймиз.

Ўйлаймизки, бу ҳам ёлғиз ўзбек адабиёти эмас, собик совет салтанати доирасидаги барча миллий адабиётлар учун хосдир.

Шу тарика, ўзбек адабиёти мисолида XX аср, шу жумладан, совет даври адабиётини даврлаштиришнинг куйидаги варианты ўртага ташланди:

1. Миллий уйғониш даври адабиёти (1900—1929 йиллар).
2. Социалистик реализм адабиёти (1930—1950 йиллар).
3. Янги уйғониш ва мустакиллик учун кураш даври адабиёти (1960-1990 йиллар).
4. Мустакиллик даври адабиёти (1991 йилдан кейин).

Мазкур даврлаштириш мутлакликка даъво килмайди, албатта. Лекин, ўйлаймизки, совет даври адабиётининг маълум хусусиятларини ўзида камрайди. Шу жихатдан, фойдадан холи эмас.

Хуллас, туркий халқлар адабиётининг умумий манзарасини яратиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан. Бу эса уни тартибга солишдан, даврлаштиришдан бошланади.

Бегали Косимов

Халқаро туркология конгрессидаги нутқ